

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (10.946)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси, Бешарий туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, биоэколог олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида ташкил этилган минтақавий анжуманда Амударё соҳилидаги бетакрор табиатни асраб-авайлаш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда 15-30 июль кунлари Фарғона ва Самарқанд вилоятларида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этди. Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги «Ниҳол» ҳамда Самарқанд вилоятидаги «Алпомиш» оромгоҳларига 400 нафардан ортиқ болалар хордиқ чиқариш учун жойлаштирилди.

● Булунғур туманидаги касб-хунар коллежлари сони яна биттага кўпайди. Туман марказида спорт-педагогик коллежи қад ростлади. 540 ўринли ушбу таълим маскани ва унинг 100 ўринли ўқувчилар турар жой бинолари қисқа вақтда «Баҳодир-А» хусусий фирмаси томонидан бунёд этилди.

● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Бухородаги филиалида «ОАВ-да ахборот хавфсизлиги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда қатнашган вилоят ва республика газеталари мухбирлари матбуотда сўз эркинлиги, мавзунинг ёритишда журналист изланувчанлиги, маҳорат масаласи хусусида сўз юритишди.

● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан Қарши санъат коллежиди «Миллатлараро тотувлик ва халқлар дўстлиги» мавзусида фото ҳамда тасвирий санъат асарлари кўчма кўргазмаси ташкил этилди.

● «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида «Экология ва саломатлик кунлари» анъанавий «Чорвоқ-2007» болалар бадий ижодиёти экофестивалини ўтказди. Бу йилги 13-экофестиваль Бўстонлик туманидаги «Ниҳол» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида ташкил этилди.

● Қанлиқўл туманида жорий йилнинг биринчи ярмида 400 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг катта қисми касаначилик соҳасига, 120 дан ортиқ иш ўринлари — кичик ва хусусий бизнес, 64 таси эса фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

ЖАҲОНДА

● Сурия Президенти Башар Асад президентлик лавозимининг иккинчи етти йиллик муддатини бошлар экан, анаурақция маросимида мамлакатда сиёсий ҳаётни янада ривожлантириш учун муҳолифатдаги партияларнинг эркин ҳаракат қилишига имконият яратишга ваъда берди.

● Европа Иттифоқи комиссияси АҚШ Марказий разведка бошқармасининг махфий қамқонналари Италия ва Польшада ҳам мавжуд бўлганлигини аниқлади. Европарламентда ушбу масала бўйича маъруза қилган Жованни Клаудиа Фава Брюсселда ўтказилган матбуот анжуманида бу ҳақда журналистларга маълум қилди.

● Кеца Болгария Президенти Георгий Парванов Ливия Олий суди Кенгашининг қарорини шарҳлар экан, умрбод қамқон жазосига ҳукм қилинган беш нафар ҳамшира ва битта шифокорни мамлакатга қайтариш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошираётганини таъкидлади. Эслатиш жоизки, фаластинлик шифокор ҳам жорий йилнинг бошида Болгария фуқаролигига ўтган.

● Туркия Бош вазири Тайип Эрдоган ўз етакчилигидаги «Адолат ва тараққиёт» партияси навбатдан ташқари ўтказилаётган парламент сайловларида ғолиб чиқиб, янги ҳукуматни шакллантириш ваколатини кўлга киритолмаси, сиёсатдан бутунлай кетишини маълум қилди.

● Россия Жаҳон савдо ташкилотига кириш йўлида Камбоджа билан келишувга эришди. Эндликда Россия Федерацияси мазкур ташкилотнинг тўлиқ аъзосига айланиш учун Саудия Арабистони ва Грузиянинг ҳам розилигини олиши керак.

● Японияда юз берган кучли zilзила дунёдаги йирик атом электростанциялардан бири — «Касивадзаки-Карива»нинг ёпилишига сабаб бўлди. Шу тўғридаги қарор кеца Касивадзаки шаҳри мэри Хироси Аида томонидан расман эълон қилинган.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 20 июль кунини Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-24, кундузи 39-41 даража иссиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари ва азиз биродарим, Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу! Мамлакатингизга ташрифим асносида Араб мувофиқлаштириш гуруҳи тузилмалари раҳбарларига кўрсатилган меҳмондўстлик учун Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириш шарафидан бахтиёрман.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришилганлиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг табрикларимни йўллашдан бахтиёрман. Ислом тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикаси билан мустақам ҳамкорлик ўрнатилганлигидан фахрландилар. Биз, шунингдек, қадимий шаҳар бўлиши Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганидан ҳам бағоят мамнунмиз.


Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Ислом тараққиёт банки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ўзаро ҳамкорликни мустақамлаштириш ва Сиз, Жаноби Олийлари томонидан эълон қилинган кенг қўламли иқтисодий ислохотларни бундан буён ҳам қатъият билан қўллаб-қувватлашни таъкидламоқчиман.

Шу ўринда, Сиз, Жаноби Олийлари билан бўлиб ўтган бағоят сермазмун учрашув учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Биз Сизнинг буюк мерос ва бебаҳо қадриятларга эга Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ва тараққиёти йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингизни юксак қадрлаймиз. Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонни ҳақиқий ва ишончли шерик сифатида эътироф этиб, мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдиради.

Мен қодир Аллоҳдан Сизга мустақам соғлиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бундан ҳам гуллаб-яшнаши йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул этгайсиз. Самимият билан,

доктор Аҳмад Муҳаммад АЛИ,
Ислом тараққиёт банки президенти



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» — «ЭЛЕКТРОШИТ» КЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА МАҲСУЛОТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ ВА ЭКСПОРТБОП ТУРЛАРИ КЎПАЙИБ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА.

Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга изланишмоқда, янгилик яратишмоқда

Жамоа ахли Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш ниятида иш суръатини оширмоқда. Буни 2007 йил ярим йиллик кўрсаткичларидан ҳам яққол сезиш мумкин. Ярим йилда санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7.160,4 миллион сўмини ташкил этиб, бу ўтган йилгига нисбатан салкам 3 баробар кўпайди. 200 нафардан зиёд қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, уларнинг ҳаммаси 630 тани ташкил этди, ўртача иш ҳақи эса 207,5 минг сўмга етди.

Булларнинг барчаси изланиш, хорижий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш, ташқи ва ички бозорни, харидор талабини чуқур ўрганиш ва шу асосда маҳсулот турларини кўпайтириш натижасидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Россиядаги ўзининг электротехника маҳсулотлари билан қўллаб-қувватлаш ҳорижий давлатларга танилган «Группа компаний — «Электротех-ТМ Самара» ёпик акциядорлик жамияти инвестицияларини киритиш асосида корхонани кайта техника жиҳозлаш 5 миллион АҚШ долларига тушиши режаланган эди. Бугунги кунда ушбу инвестициянинг катта қисми киритилиши туфайли корхона цехлари юксак унумли, энг замонавий технология линиялар билан жиҳозланди. Яқин кунларда эса бўша қеҳига янги жиҳозлар ўрнатиш ишлари амалга оширилади. Айтиш лозимки, ушбу юқори унумли технология линиялар қувватидан самарали фойдаланиб тайёрланаётган паст ва юқори вольтли электр ускуна ва жиҳозлари, халқ истеъмоли моллари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топмоқда. Чунки замонавий маҳсулот турлари кун сайин ортиб бормоқда. Корхонанинг барча маҳсулотлари сертификатланган бўлиб, улар Ўзбекистон ва Россия Федерацияси етакчи синов марказ-

ларида синовдан ўтади. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг 60 фоизи ички бозорда сотилса, қолган қисми Россия, Қозғистон давлатларига экспорт қилинади. Шунингдек, Миср ва Вьетнам давлатларида ҳам буюртмачилари сафи ортиб бормоқда. Шу боис ҳам 2010 йилгача экспорт ҳажмини 80 фоизга кўтариш кўзда тутилган. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошира бориб, жорий йил охиригача ишчи-хизматчилар сонини 1000 нафарга етказиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган эътибор меҳнат унумдорлигининг ортишида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг саломатликларини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун улар бириктирилган поликлиникага корхона бюджетидан маблағ ажратилади. Корхонанинг узоқ вақт ишламай турган спорт-соғломлаштириш мажмуасини ишга туширишга ҳаракат қилинмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ёзги таътил даврида Белдирёдаги «Зафар» болалар оромгоҳида дам олишади. Жамоа ахли учун эса дам олиш кунларида сўлим тоғ бағрига саёҳатлар уюштирилади.

Сирасини айтганда, ўларнинг юқори вольтли жиҳозлари, паст вольтли ускуналари ва бошқа қўллаб маҳсулотлари билан тоғ-кон комбинатлари, нефть-газ ўлказгичлари, темир йўл, авиация, денгиз транспорти, барча турдаги электр станциялари, қишлоқ хўжалиги, турар жой бинолари, ишлаб чиқариш мажмуаларини таъминлаётган корхона тадбиркорлари бугунги бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб изланишмоқда ва янгилик яратишмоқда.

ШАРИФА ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: корхона цехларида Наталья Семёнова олган суратлар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТИНИНГ 2007 ЙИЛ 18 ИЮЛДА БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. МАЖЛИСНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ Ш.МИРЗИЁЕВ ОЛИБ БОРДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2007 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи ярим йилликда қўрилган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқорор юқори суръатларини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг изчил риқожланишини таъминлаганлиги қайд этилди.

Масалан, ялли ички маҳсулотнинг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этди, шу жумладан санаот ишлаб чиқариши ҳажми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш - 19 фоизга, пудрат қурилиш ишлари - 20,5 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,8 фоизга, пулли хизматлар — 25,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 5,5 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорт 39 фоизга ошди. Унинг асосий қисмини - 70 фоизини ҳомашё бўлмаган экспорт ташкил этади. Ташқи савдонинг 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдоридида сезиларли иjobий салъдоси таъминланди. Давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз миқдоридида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси 2,7 фоизни ташкил этиб, прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестицияларни ўзлаштиришнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланди ва ўтган йилнинг тегишли даврига таққослаганда 140,2 фоизни ташкил этди. Жалб этилган хорижий инвестициялар 1,9 баравар ўсди, улар умумий миқдорининг қарийб 85 фоиз тўғридан-тўғри инвестициялардир. 154 янги йирик ва кичик санаот ишлаб чиқариши, шу жумладан 30 та энгил ва тўқимачилик санаоти объекти, 102 километр электр узатиш линияси ишга туширилди, шу йилнинг сентябрь ойигача ҳаракатни бошлаш учун Тошгузар-Бойсуён-Қумқўрғон темир йўли қурилиши тугалланмоқда.

Иқтисодиётни кенг қўламли модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техника ва технология жиҳатдан янгилаш давом эттирилди. Капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярми, шу жумладан корхона-

ларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағларнинг 65 фоизи кўрсатиб ўтилган мақсадларга йўналтирилди. Пахтани қайта ишлаш, ёмғир санаоти, қурилиш материаллари санаоти ва қора металлургия корхоналарини модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари қабул қилинди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесга солиқ юқини камайтириш ва унинг фаолият кўрсатиши шарт-шароитларини эркинлаштириш юзасидан илгари қабул қилинган қарорларга қатъий риоя қилиш натижасида кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 38,1 фоизгача ўсди.

Қишлоқ хўжалигида ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда тугалланди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2006 йилнинг шу даврига таққослаганда бошоқли дон экинлари, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт ва пилла кўп етиштирилди.

Аҳолини иш билан банд этиш ва даромадлари даражасини ошириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар биринчи ярим йилликда 314,8 минг янги иш ўрни, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида — 75 мингдан ортиқ, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига — 40,2 минг иш ўрни яратилишини таъминлади. Аҳолининг реал даромадлари 21,3 фоизга ўсди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 2 ёшгача бўлган болани парвариш қилиш билан банд бўлган 440 минг нафар ишламаётган оналар, 18 ёшгача болалари бўлган 880 минг оила нафақа олди. 44 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 28,5 минг кам таъминланган ва кўп болали оила бепул қорамол олди. Ногиронлар учун 2049 иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларга 20,4 миллиард сўм кредит, шу жумладан ўз бизнесини ташкил этишга 10,6 миллиард сўм имтиёзли микрокредит берилди.

(Давоми 2-бетда).

Кечка сатрларда

- **БУГУН** Республика Киночилар уйида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаш ташаббуси билан туман маҳалларида истиқомат қилаётган болажонлар учун «Виждон» фильми намойиш этилди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон ўсимликшунослик институтида селекционер олимлар иштирокида қишлоқ хўжалиги экинларини экишда янги технологиялардан фойдаланишининг самарали усулларига бағишлаб уч кун давомида ўтказилган семинар ниҳоясига етди.
- **КЕЧАДАН** шаҳримиз-

да «Корпоратив оммавий алоқалар ва уларни ривожлантириш стратегияси» мавзусида семинар-тренинг бошланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Ёш сажатчилар ва ўлкашунослар маркази ташаббуси билан 31-Мехрибонлик уйида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида **КЕЧА** уюштирилган хайрия тадбири Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 22-Мехрибонлик уйида тарбияланувчилар ва тарбиячилар мазкур даргоҳ ташкил этилганлигининг 35 йиллигини нишонлашди.

● **КЕЧА** шаҳримиз ёшлари Темирийлар тарихи Давлат музейига, Хастимом мажмуасига экскурсия қилишди.

● **РЕСПУБЛИКА** экспертиза марказига янги жараёни сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий жиҳозлар, технологиялар келтирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодиёт вазири Б.Ҳўжаев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳайит, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Камалов, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари, шунингдек, республиканинг бир қанча акциядорлик компаниялари ва банклари раҳбарларининг ҳисоботларида белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларга эришиш бўйича қўрилагётган чора-тадбирлар самардорлиги ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурларининг амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди.

Идоралар раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар ҳокимларининг эътибори хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган агрофирмаларни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш лойиҳаларига инвесторларни жалб этиш юзасидан қўрилагётган чораларнинг етарли эмаслигига қаратилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервис объектларини молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ажратилаётган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш масаласи танқидий қўриб чиқилди.

Мажлис қатнашчилари олдига 2007 йил учун белгиланган вазифаларга мувофиқ устувор вазифалар ва мақсадли комплекс ривожлантириш дастурлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида йўл қўйилган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг амалга оширилиши ва Автомобиль йўлларини ривожлантириш концепциясида

2007 йил учун назарда тутилган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш топшириқларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова, «Ўзбекнефтегаз» миллий-холдинг компанияси раиси Н.Аҳмедов, халқ таълими вазири Т.Жўраев, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуродов, «Ўзбекнефтегаз» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Р.Рўзиков, «Ўзавтоўл» давлат-акциядорлик компанияси раиси М.Абдуллаев, республика йўл жамғармаси директори Н.Жулибеков сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳисоботлари инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилинишини танқидий таҳлил қилишга, шунингдек, объектларни сўзсиз ва ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлашнинг аниқ вазифаларига бағишланди.

Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг нутқи ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С.Раҳимов, «Асака» банки бошқаруви раиси К.Арипов, «Ипотека-банк» бошқаруви раиси А.Абдуллаев, Фарғона вилояти ҳокими А.Абдуллаевнинг ҳисоботлари банк-молия тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўламлигини кенгайтириш, депозитлардан нақд пул узлуксиз берилишини таъминлаш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш вазифаларига бағишланди.

Тижорат банклари раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг асосий тар-

моқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини кредитлашдаги иштирокини кенгайтириш юзасидан банкларнинг фаолиятини фаоллаштириш зарурлигига қаратилди.

Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиқларининг раҳбарлари Ф.Назирова, Б.Алимухамедов, бир қанча вилоятлар ҳокимларининг чиқишларида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўриш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда пахта етиштириш бўйича комплекс агротехника тадбирларининг бажарилиши тўғрисида қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири С.Исмоиловнинг ахбороти ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди. 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли даврларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувни тежаш бўйича дастурларни сифатли тайёрлаш ва қўриб чиқиш учун республика Ҳукуматига киритишни жадаллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича республика Ҳукумати мажлисида қарор қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

(УЗА)

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 18 ИЮЛЬ КУНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — АФГОНИСТОН ҲУКУМАТЛАРАО ҚЎШМА КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН АФГОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ САВДО ВА СНАОТ ВАЗИРИ МИР АМИН МУҲАММАД ФАРХАНГ РАҲБАРЛИГИДАГИ ИШБИЛАРМОНЛАР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИШТИРОК ЭТДИ. Ўзбекистон — Афғонистон:

ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компанияларидан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қўшма комиссия хамраиси Н.Хонов Афғонистон мамлакатимизнинг муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар йўналишларда, нефть-газ саноати ва энергетика соҳаларида изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуварларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда электр энергетикаси, йўлсозлик, кўприксозлик соҳаларида ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажминини ошириш имкониятларини қўриб чиқмоқда.

Афғонистон делегацияси раҳбари, қўшма комиссия хамраиси Мир Амин Муҳаммад Фарханг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан ҳамда Афғонистондаги тикланиш ишларида Ўзбекистон фаол қатнашаётганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистонга ташрифдан мақсадимиз мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиёт, энергетика, илм-фан, транзит, транспорт коммуникациялари сингари кўплаб соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш имкониятларини яна бир бор қўриб чиқишдан иборат, — деди Афғонистон вазири. — Мазкур соҳаларда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон ва Афғонистон савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш имкониятлари катта. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жорий йилнинг январь-май ойларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 55,2 фоиз ошди. Ўзбекистон Афғонистонга қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради, қурилиш соҳасида хизмат кўрсатади.

Мажлисда Ўзбекистон ва Афғонистоннинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди, истиқболли соҳалар белгилаб олинди. Ўзбекистон компанияларининг Афғонистонда ижтимоий инфратузилмани тиклаш бўйича қатор лойиҳалардаги иштирокига, Афғонистон мутахассисларининг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида малака оширишига, автомобиль ва темир йўл транспорти ҳамда телекоммуникациялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қўшма комиссия мажлиси доирасида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Афғонистон ишбилармон доиралари вакилларининг кооперацион биржаси бўлиб ўтди. Унда Кобул — Тошкент — Кобул йўналиши бўйича тўғридан-тўғри ҳаво транспорти қатновини очиб, банк иши, нефть-газ, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, озиқ-овқат, мева-сабзавот савдоси, электр ускуналари, металл ва металлдан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида сўз борди.

Шу кун Афғонистон делегацияси аъзолари Темирйўл тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Сохибирон ва унинг авлодлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида хикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуида ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Барокхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирдилар. Меҳмонлар бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар. Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва аждодларимиз қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг самараси эканлиги таъкидланди.

Афғонистонлик меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонасида сақланаётган муқаддас Қуръоннинг ноёб қўлёзмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур китобни кўздан кечирдилар.

— Ўзбекистонга бундан саккиз йил муқаддам келган эдим, — деди Мир Амин Муҳаммад Фарханг. — Шу давр мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлдим. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилотини (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бизни жуда қувонтирди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг миллий-маънавий меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга қаратилган оқилона сиёсати самараларидандир.

Нодира МАНЗУРОВА, УЗА муҳбири

«АЛ-БАЁН» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи наشري — «Ал-Баён» газетаси саҳифаларида Ўзбекистонга бағишланган навбатдаги мақола чоп этилди. У ўтган йил сўғида мамлакатимиз билан яқиндан танишиш мақсадида юртимизда бўлиб қайтган араб журналисти Умар ал-Санжарий қаламига мансуб.

Газетанинг икки саҳифасини тўлиқ эгаллаган мақола «Ўзбекистон — Марказий Осиё ганжиниси ва жаҳон цивилизациялари туташган макон», деб номланган. Унда юртимизнинг қўна тарихи ва диққатга сазовор жойлари билан бир қаторда халқимизнинг анъаналари ва урф-одатлари ҳақида хикоя қилинади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, Умар ал-Санжарий илгари ҳам БАА оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизга бағишланган қатор мақолалар билан чиққан эди. Улар, жумладан, «Ўзбекистонга сафар: ўзидан кўнра тарих ва гўзал маданиятни муҳасам этган Осиёнинг юрғи», «Ўзбекистон: буюқ давр шавқатли шаҳарларининг тикланиши», «Табийи заҳиралар ва қудратли саноат Ўзбекистон иқтисодиётини мустақамламоқда», деган сарлавҳалар билан газетхонларнинг эътиборига ҳавола этилган.

«Ал-Баён» газетаси 150 минг нусхада чоп этилади. Нашр БААдан ташқари Саудия Арабистони, Кувайт, Баҳрайн, Қатар давлатлари, Фарбий Европа мамлакатлари ва АКШ ҳудудида тарқатилади. Газета Форс кўрφαзи минтақасида жойлашган араб давлатларининг ижтимоий-сиёсий ва

савдо-иқтисодий доиралари вакиллари орасида жуда нуфузли ва оммабоп нашр сифатида талкин этилади.

Мақоласининг бошида Умар ал-Санжарий «Ўзбекистон ўзининг геосийосий салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин эгаллайди ва барча мезонлар бўйича минтақанинг етакчи давлатидир», дея таъкидлайди.

Журналистнинг сўзишча, узоқ йиллар давомида ёзиш, диний ва маданий жиҳатдан дунёдан ажратиб қўйилишига қарамай, ўзбек халқи ўзининг анъаналари ва миллий ўзига хослигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. «Мустақилликка эришганидан сўнг мамлакат ўзининг жаҳондаги муносиб ўринини топи ва маърифатпарвар исломнинг маркази сифатида ўзини қайта намойн эта бошлади. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакат халқининг маънавий-тарихий меросини тиклаш йўлидаги кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда», — деб ёзади Умар ал-Санжарий.

Ўзбекистонда яратилган илоҳий ётшунослик, ислом фани ва фалсафаси мактаблари бутун дунёда машҳур. Бу заминдан умумжаҳон цивилизацияга муносиб ҳисса қўшган буюқ олимлар етишиб чиққан.

Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент каби қўна шаҳарлари нафақат мусулмон дунёсининг тарихини бойитишига ҳисса қўшган, балки ислом дини тўғрисидаги фан вужудга келган жойлар сирасига ҳам кирди.

«Жаҳон» АА.

Осиё чемпионати

ЮРТДОШЛАРИМИЗ — ЧОРАК ФИНАЛДА

КЕЧА МАЛАЙЗИЯ ПОЙТАХТИ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДАГИ «ШОҲ АЪЛАМ» НОМИДАГИ СТАДИОНДА XIV ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ «С» ГРУҲУДАГИ 3-ТУРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН-ХИТой ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СЎНГИ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бир учрашувда мағлубият, бир учрашувда ғалаба нашидасини тотиб кўрган Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоасига ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Шу боис Ўзбекистон терма жамоаси куйидаги жанговар таркибда майдонга тушди: Нестеров, Николаев, Денисов (Карпенко), Гофуров, Каримов, Иброҳимов, Жепаров, Копадзе, Бақоев (Гейнрих), Ҳайдаров, Шақих. Ушбу ўйинчилар терма жамоамизга зарур бўлган уч очкони келтиришлари лозим эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, дуранг натижа ҳам қаноатлантирадиган хитойлик чарм тўп усталари биринчи бўлим аввалида ўзбекистонликлар дарвозаси олдида анча ҳавфли вазиятларни вужудга келтиришди. Аммо ҳимоячиларимиз ва Нестеров маҳорати сабаб терма жамоамиз дарвозасининг дахлсизлиги сақланиб қолди ва биринчи бўлим 0:0 ҳисобидаги дуранг натижа билан нихосига етди.

Ғалабага бўлган иштиёқ терма жамоамизни тезкор, ҳужумкор ва эҳтиёткор ўйнашга унда-



Ўзбекистоннинг яна бир шаҳри — Хива эса дунё жамоатчилиги орасида Ал-Беруний, Ал-Хоразмий ва Аз-Замашарий каби буюқ олим ва мутафаккирларнинг ватани эканлиги билан машҳур.

Самарқанд яқинида жойлашган ислом оламининг фаҳру-ифтихори, «Жоме ас-Саҳих» тўплами муаллифи Имом ал-Бухорий ҳазратларининг мақбараси мусулмонларнинг муқаддас қадамжоларида бирига айлиниб қолган.

Араб журналисти ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, жумладан, шундай деб ёзади: «Ўзбеклар — қадим даврлардан буюқ ўзининг бағрикенглиги, ўз урф-одат ва анъаналарига содиқлиги, бошқаларга нисбатан олийҳиммат ва хайрихоҳлиги билан ном қозонган олийжаноб халқдир».

Мақола давомида араб журналисти Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидаги меъморий ёдгорликларни тасвирлаш ҳолда мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида салмоқли имкониятларга эга эканини таъкидлайди.

Юртимизнинг иқтисодий салоҳияти ва сарможий иқлими ҳақида гапирар экан, муаллиф Ўзбекистон иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича нафақат Марказий Осиёда, балки МДХ ҳудудида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллашга урғу беради. Умар Ал-Санжарийнинг таъкидлашча, «ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт моделини танлаб олган Ўзбекистон Осиё китъасида жадал ривожланаётган давлатга айлана олди».



Истеъмолчилар ҳуқуқлари — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ЗАРУРИЙ ЧОРАЛАНИ КЎРИЛМОҚДА

Қадимги дунёнинг қомусий алломалардан бири Демосфен: «Қаердаки қонун, адолат, умрон бўлса, ўша ерда ҳақиқат қарор, топи», — деб ёзган эди.

Бинобарин, Истиқлол йилларида кучли итимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ўлоқ, қонун устуворлигига алоҳида эътибор қарғилиб келинмоқда. Шу маънода истеъмолчар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида махсус ёри хужжатларнинг қабул қилиниши аҳолинг ҳақли талабини қондиришда муҳим ўрин туоқда.

Куйида сиз ўқийдиган лавҳаларда эса борадаги айрим қонунбузарликларнинг олни олиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳида яқиндан танишасиз:

Хамза тумани, Лисунов кўчаси, 2-даҳа, 32-у 16-хонадонда истиқомат қилувчи Р.Имангулова Ний кўчасида жойлашган савдо дўконидан «LG» кирзи машинасини 400 000 сўмга сотиб олган. Аммосибу мослама истеъмолчи томонидан ҳаракатга келриб қўрилганида унинг бутунлай яроқсизлиги аёнлади. Мазкур ҳолат «EPSON» савдо дўқони томсдан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўқсида»ги қонуннинг 13-моддаси бузилганлиги сатида баҳоланди ва унга кўра истеъмолчиға тешли «LG» кир ювиш машинаси бепул таъмирлаб биладиган бўлди.

Юнусобод тумани, 18-даҳа, 11а-уй, 15-хонанда яшовчи А.Александрова Навоий кўчасида жашган дўқонларнинг биридан «Кайзер» музлатини 450 000 сўмга харид қилган. Аммо ушбу мшии мослама берилган сифат кафолатига қарам сифатсиз чиққан. Ушбу ҳолат юқорида қайд этган модда талабларини бузганлиги учун музлатнинг харид тараҳидаги маблағ А.Александроваға йтариб берилди.

Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 14 -уй, 70-хонадонда истиқомат қилувчи Н.Батишовавоий кўчасида жойлашган «Сезам плюс» савдўқонидан «Филипс» телевизорини 420 000 сўмгаўқиб олади. Лекин истеъмолчи Н.Батишова томсдан ишлатиб қўрилган «Филипс» телевизорининг фатсиз эканлиги аниқланди. Эндиликда фойдаланша яроқсиз деб топилган ушбу телевизор янгиси алмаштириб берилган.

Жиззах шаҳар, Тўқмачилар кўчаси, 1/1-уй истикомат қилувчи А.Ҳамроев Навоий кўчасидажойлашган «Универсал» савдо дўқонидан «LG» теизорини 255 000 сўмга харид қилади. Телевизор орида тилга олинганидек, сифат кафолатига нийқ бўлиб чиқади. Мазкур ҳолат ўрганилиб чиқилида, истеъмолчининг талаби ҳақли эканлиги ўз истини топида ва унга биоан телевизор хариди учунўтган маблағ А.Ҳамроевға қайтариб берилди.

Мирзо Улугбек тумани, Қорасув 1-мавзе 10-уй, 44-хонадонда яшовчи И.Салегина Навоикўчасида жойлашган, хусусий тадбиркор Т.Мулловнагегишли савдо дўқонидан 390 000 сўмлюисий марказни харид қилади. Бироқ истеъмочи томонидан ишлатиб қўрилган мусиқий марказнифойдаланишга яроқсизлиги сезилиб қолади. Эндиликда ушбу мослама кетган маблағасига қайтариб берилди.

Шаҳримиздаги ТТЗ-1-даҳа, 42-уй, 18-ҳонанда яшовчи Е.Мичасова Навоий кўчасида жойшган савдо дўқонидан «Индезит» кир ювиш машинини 465 000 сўмга харид қилади. Аммо, сотиб нган «Индезит» ўзининг сифат кафолатини оқўйди. Шу боис истеъмолчиға тегишли кир ювиш минаси бепул таъмирлаб берилган.



Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, 12-да 3, 4, 14, 18, 19, 32, 33, 34-уйларда истиқомат лувчи истеъмолчилар телефон тармогининг носоз юзасидан шикоят хати билан муурожаат этишгеУшбу ҳолатга доир муаммолар «Ўзтелеком» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар филиали томони бартараф этилди.

Чилонзор тумани, 7-мавзе, 47-уй, 9-ҳонда яшовчи К.Бабаевдан тушган аризага кўч«Рус-Лан-Сенан» хусусий уй-жой мулкдорлари ркати фаолиятига доир эътироз мавжуд. Ҳозир ушбу аризада қайд этилган эътирозлар ижобий этилган. Жумладан, 47-уй атрафидаги санитарюлати яхшиланган, кириш йўлақлари таъмирланибларға темир эшиклар ўрнатилган. Уй ертўласид сув қувурлари таъмирдан чиқарилиб, сув тўпланқолиш ҳоллари бартараф этилди.

Мирзо Улугбек тумани, Мирзақалон Исмоий маҳалла фуқаролар йиғини истеъмолчиларимонидан «Сувсоз» Давлат унитар корхонасинингзамати юзасидан носозлик оқибатида ичимлик сувинг исроф бўлиши ҳақида муурожаат этилган. зирда ичимлик сувининг исроф бўлишига доир қилиқлар бартараф этилган.

Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз қмонлари! Агар Сиз харид қиладиган маҳсуларда ҳам нуқсонлар сезилса, куйидаги манъа муурожаат этишнингиз мумкин: Тошкент-700029. Халқлар Дўстлиги кўри, 23 а-уй. Телефонлар: (998712) 276-90-46; 279-35. Тошкент шаҳар истеъмолчилар ўқини ҳимоя қилиш худудий бирлашмаси тонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тарлади

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Ёз — ўтмоқда соз. Келажғимиз ворислари бўлмиш фарзандларимизнинг кўпчилиги айна таътил кунларини ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказмоқдалар. Шуниси кувонарлики, оромгоҳларда дам олаётган болажонларнинг билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари, китоб ўқишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Козим Ўлмасов олган суратлар

Газетхон миннатдорчилик билдиради РАҲМАТ СИЗГА, ФАОЛЛАР

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИДА «ЯНГИ КАМОЛОН» МАҲАЛЛАСИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 15 ЙИЛДАН ОШДИ.

Бизнинг маҳалла ҳудудида 5 та ширкат бўлиб, унда 3250 фуқаро яшайди. Шулардан 12 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 25 нафари фронт ортида меҳнат қилганлар, афгон уруши қатнашчилари ҳамда 2 нафари ўнтадан ортиқ фарзандни тарбиялаб, вояга етказган оналардир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан буён биз маҳалла аҳолиси улкан ғамхўрликни сезамиз, уруш қатнашчиларининг уйига бориб кўриш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш одат тусига кириб қолган. Бизни эсдан чикармасдан ва керакли вақтда ёрдам қилиши қўйиш учун тайёр турган маҳалла фаолларидан миннатдоримиз.

2006-2007 йилларда маҳалламизга Турсунбой ака Абдирайимов фуқаролар йиғинининг раиси этиб сайлангандан кейин у ҳар бир пенсионер, ҳар бир уруш қатнашчиси билан яқиндан алоқа ўрнатди, ҳар бирининг оиласидан хабардор бўлди. Маҳалламизда ёшларни ўз Ватанига, халқига содиқ инсон этиб тарбиялашда ҳам катта ишлар қилинмоқда. Маҳаллада халқ фольклор ансамбли тузилган. Аэробика тўраги мунтазам ишлаб турибди.

ёшларни соғлом қилиб ўстиришга, спортни жонлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Самарқанд, Бухоро шаҳарларига экскурсиялар уюштириб турилади.

Ўзбекистонда жорий йил Президентимиз томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди, «Янги Камолон» маҳалласи фаоллари ҳам оқсоқол бошчилигида маҳалла аҳли, уруш қатнашчилари ҳамда ёшларнинг ҳаёт даражасини кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Маҳалламиз аҳолиси, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар илтимосига кўра газетангиз орқали «Янги Камолон» маҳалласи фуқаролар йиғинига ташаккуримизни билдириб, маҳалланинг кейинги ишларига ривож тилаймиз.

Х.МУҲИТДИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ўрта ва олий таълим аълочиси, нафақахўр
М.РАСУЛОВ,
иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, профессор
А.САВЕНКОВА,
фронт ортида меҳнат қилган нафақахўр
Ф.САЛИМСАҚОВА,
фронт ортида меҳнат қилган фахрий
Ҳ.КОСИМОВА,
маориф аълочиси, нафақахўр

Тошкентнинг меъморий обидалари ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин Қалдирғочбий номи билан машҳур бўлган мақбара хусусида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Зеро, мақбара қачон, ким томонидан қурилган? Бизнинг бу саволимизга жавоб тариқасида мақола на саҳифа орқали ёритилса мамнун бўлар эдик.

Эхтиром билан, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг бир гуруҳ талабалари.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур даҳаси

Сўраган ЭДИНГИЗ НОЁБ МЕЪМОРИЙ ОБИДА

қадимдан машҳур. Бу ерда меъморчилик иншоотлари маҳмуи Шайх Хованд Тоҳур (Шайхонтохур) қабристонини номи билан танилган меъморий ансамбл жойлашган. Илгари бу мавзе Тошкентнинг энг гавжум, обод ҳайларидан бири бўлиб, унда 20 дан ортиқ ноёб меъморчилик ёдгорликлари, мақбаралар, мадрасалар ва бошқа турли бинолар мавжуд бўлган.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, бизнинг замонамизга келиб бу мажмуадан фақат уч обида — Шайх Хованд Тоҳур, Юнусхон ва Қалдирғочбий мақбараларигина сақланиб қолган.

Мажмуанинг шимолий томонида Қалдирғочбий номи билан аталувчи мақбара жойлашган. Ёдгорликнинг бунёд этилиш даврини аниқлаш борасида мақбара ичида ва унинг теvarак-атрофида олиб борилган археологик қазилмалар вақтида топилган ноёб қурилиш ашёларига ва бинонинг меъморий услубига қараб ёдгорлик XV асрда қурилган деб тахмин қилиш мумкин. «Аб-

дуллонома» асарининг муаллифи Бухорийнинг берган маълумотига кўра, Қалдирғочбий Ҳўжа Аҳрор Валий авлодларидан бўлиб, у Муғулистонда ҳукмронлик қилган.

Халқ ривоятларидан бирида айтилишича, бу мақбарага қалдирғоч лақабли аслзода дафн этилган эмиш. Яна бир афсонага кўра Қарлуқлар йўлбошчиси Ҳазрати Мир шу ерни танлаган, чодир қурдирган. Қалдирғочлар чодирга ин қўйган. Мир оламдан ўтган, қабр устига қурилган мақбарани кейинчалик халқ қалдирғочлар шарафига Қал-

дирғочбий мақбараси деб юрита бошлаган.

Қалдирғочбий мақбарасининг ташқи меъморий кўриниши ўзига хос услубда ишланган. Ун икки қиррали гўласимон пой-гумбази ва унинг устига ўрнатилган худди шундай қиррали кўринишдаги қулоҳий-чодирсимон ташқи гўмбаз эканлиги билан ажралиб туради. Унга жанубий томонига ишланган ўймакор эшиқдан кирилади. Мақбаранинг ичида ҳажми унча катта бўлмаган сағана ўрнатилган.

Яна бир маълумот. Қалдирғочбий ва Шайх Хованд Тоҳур мақбараларини ўзаро бирлаштириб туривчи кўп устулни ва тўсинли нақшинок Оврат масжиди 1908-1910 йиллари қайта қурилиб, 1966 йилги кучли zilзила натижасида қаттиқ шикастланганлиги сабабли бузиб ташланган. 1970 йили Қалдирғочбий мақбараси таъмирланиб, обидани илоҳи борица аввалги ҳолига келтиришга ҳаракат қилинди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади

СЕРИАЛ ДЕГАНДА ИЛГАРИЛАРИ КЎЗ ЎНГИМИЗГА НОҒАҲОН МЕКСИКА ВА БРАЗИЛИЯНИНГ КЎП СЕРИАЛИ ФИЛЬМЛАРИ КЕЛАДИ. АММО КОРЕЙС СЕРИАЛЛАРИ ҲАМ ЯҚИН-ЯҚИНДАН БАРЧА КИНО МУХЛИСЛАРИНИНГ ЮРАГИНИ ЗАБТ ЭТДИ, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ.

Мухлисларнинг бу муҳаббати «Қалбим чечаги» сериалидан бошланди. Мен кўпинча ўйлаб қоламан. Ушбу сериалларнинг муваффақияти нимада? Корей сериаллари қайси мавзуда бўлмасин уларда инсон психологиясининг ноzi нукталарини намоян қилиш жуда кучлидир. Сериалларни ошпазлар, дизайнерлар, журналистлар, санъат аҳли томоша қиладими, барибир, сериал жозибаси ҳар бир қатламдаги кишиларга тушунарлидир, яъни улар оммабоп.

Тангем ҳақидаги сериал ўзбек мухлисларининг нигоҳини экранга қадаб қўйгани ҳам рост. Ушбу сериалнинг барча бошқа корейс сериаллари каби тарбиявий аҳамиятини таъкидлаб

Мулоҳаза

СЕРИАЛЛАРДАН НИМАНИ ЎРГАНАМИЗ?

ўтмасдан бўлмайди. Инсондаги энг яхши фазилат бўлган—тўғрилиқ, ёлғон гапирмаслик, ҳалоллик, садоқат, меҳнатсеварлик инсонни албатта энг юқори чўққига олиб чиқиши, икки-юзламачилик, гирромлик ва ёлғон эса ҳар қандай ҳатто энг юқори мансабдаги инсонни ҳам жарға улоқтириши яққол тасвирланади. Соф муҳаббат, у қандай оғир мусибатларга учрашдан қатъи назар ўз эгаларини осуда ҳаётга чорлашни кўрсатади. Сюжет композицияси ҳамманинг диққатини тортиши ҳам айнан унинг кульминациядан бошланишида. Сериалда ҳаётини ҳақиқат башоратлар билан шунчалик уйғунлашиб кетгани, беҳосдан уларга ишонгинг келади. Аммо сериалнинг энг катта тарбиявий аҳамияти, бу билимнинг ва ҳақиқий дўстлик-

нинг қудрати акс этишидадир. Қизиғи, корейс сериалларида қайси касб вакиллари ҳақида гап кетмасин, ўша касбни ёқтира бошлайсан. Масалан «Аёл қалби» сериали журналистлар ҳақида. Сериалларда турли касб эгалари ўз касбларининг маҳоратини ўрганиш учун қанчалик тимимсиз меҳнат қилишини кўриб ҳайрон қолсан. Масалан, «Муҳаббат ва эҳтирос» сериалидаги ҳар бир ходим ўз меҳмонхонаси учун куюнади. «Қиш сонатаси», «Ёз ифори», «Куз эртаги» сериаллари эса кўпроқ лирик сериаллар ва улар ҳам ўз томошабинига эга. Корейс сериалларининг яна бир муҳим томони—уларда мусиқанинг ва кўшиқнинг жозибadorлигидир.

Паризод СУЮНОВА

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙДИК

Ҳар куни ишга кета туриб, озиқ-овқат дўкони ёнидан ўтишимга тўғри келади. Бу ерда камида 4-5 нафар мижозни учратаман. Уларнинг башаралари бўймайган, кўзлари киртайган, қовоқ остилари салқин. Бош оғриғини тузатиш илинжида тўпланганлар орасида ҳатто ўсмирлар ҳам бор. Эсимни танибманки, бу тўда гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб туради, лекин тугамайди. Пенсия ёшига етиб қолган, бироқ ҳеч қаерда ёлчилиб ишламайдиган К.исмли кимса шишадосларига ниманидир уқтиради. Нимани дейсизми? Кеча қаерда ким билан мазза қилиб «отгани», кейин йўлда яна кимдир бир шиша пиво қўйгани, қисқаси, унинг наздида кечаги кун фоят омадди бўлгани хусусида гап кетади-да. Мен уни ўн йилдан бери биламан. Ушанда у норғул, келишган, сўзамол эди. Ҳозир эса кўринишидан худди шафтоўли қокнинг ўзи. Нонушта ўрнига юз грамм вино ичиб

олса бўлгани: бахти ҳам, тахти ҳам шу. Бола-чақаси тўзиб кетган, хотини ва кенжа фарзанди, неваралари билан яшайди. Уй бекаси анчадан буён касалманд. Узингиз ўйланг, эр-талабдан кечгача ичкиликдан бошини кўтармайдиган нокас эр билан бирга туришининг ўзи бўладими? Бултурдан ўғил ҳам ичкиликка ружу қўя бошлади. Айтишди-ку, «От босгани той босади» деб. Сабабини у шундай изоҳлайди:—Уйда тинчлик йўқ, ҳар куни жанжал, жонимдан тўйиб кетдим...

Яқинда кўшни сифатида эр-хотинни яраштиришга ҳаракат қилиб кўрдик. Икки боланинг отаси кўзи билан ер чизар, келин эса: «Агар бу киши ичкиликни ташлама, бу уйни елкаминг чуқури кўрсин», деб кўчкўронини йиғиштириш билан овора эди. Шу пайт хонадоннинг каттаси—К.дан «ақли» гап чиқиб қолди:

— Кетсанг ана катта кўча, икки дунёда ҳам ўғлимдақасини топиб

бўпсан... Сен ҳали хотин киши бўла туриб, «Рўзгорни мен теbrатпапман» деб миннат қилдинг. Билсанг, миннатли ош захар-заққум, дегани. Қисқаси, мен иккалангдан ҳам хафаман. Сабаби ҳатто туғилган кунимда мени бир шиша винога олмадиларинг.

«Ота рози—Худо рози», дейишган. Лекин К.га ўхшаган беандиша, бемеҳр зулмкор оталарнинг дуола-рини ижобат бўлармикин? «Катта арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам шундан юради», дейди халқимиз. Зотан, юқорида қайд этганимиздек, спиртли ичимликлар сотиладиган дўконлар олдида тиламчилардек зор-қақшаб турадиган кимсаларнинг оталари ҳам К.дан фарқ қилмайдилар. Бинобарин, шайтонга биринчи бўлиб қўл узатганлар ҳам ана шулар эмасми? Улар учун фарзандлар бахти, қамолини ким ўйлайди?!

Мухитдин ШАРОПОВ,
меҳнат фахрийси,
Шайхонтохур тумани

ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМА КУНЛАРИДА ҲАР БИРИМИЗ СОЯ-САЛҚИН ЖОЙДА ҲОРДИҚ ЧИКАРИШГА ИНТИЛАМИЗ, ҲОВУЗЛАРДА, ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЧЎМИЛИМИЗ. ЁЗГИ ТАЪТИЛНИНГ МАРОҚЛИ ЎТИШНИ ХОҲЛАГАН БОЛАЖОНЛАРИМИЗ ЭСА КЎПИНЧА ШАҲРИМИЗДАГИ ФАВВОРАЛАРДА ЧЎМИЛИШНИ ХОҲЛАЙДИЛАР. АММО...

Шахсий фикр

ЧЎМИЛИШ — КОНИ ҲОЙДА, БИРОҚ...

Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Шаҳримиз марказида жойлашган фавворалар чўмилишга ихтисослашмаганлигини фарзандларимизга тушунтириб қўйиш биз ота-оналарнинг вазифаси эканлигини унутиб қўяётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Натижада шаҳар марказида жойлашган фаввораларда чўмилаётган болалардан айримлари жараҳат олиб шифохоналарда даволанишига тўғри келяпти.

Бундан ташқари, айна кунларда Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига салқинлаб келиш мақсадида бораётган ҳамшаҳарларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Дам олиш албатта яхши. Аммо тез оқар дарёларда чўмилиб

нохуш воқеаларга сабаб бўлаётганларга имкони бўлса, оқар сувда маст ҳолатда чўмилишдан тийилин, болажонларни эса чўмилишларига йўл қўймаг дегимиз келади. Ана шунда кўпгина нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

Хулоса ўрнида биз ҳамшаҳарларимизга сузиш спортини билан фарзандларининг шуғулланишлари имкон яратинг, ўзингиз ҳам руҳсат берилган жойларда чўмилиш дейсизми. Чунки сув спортининг соғлиғига жуда фойдали. Фақат юқорида таъкидлаганимиздек, фаввораларда, оқар сув ҳавзаларида чўмилишга дея маслаҳат берамиз.

Дилнура РАҲМАТОВА

Тадбирлар

БОЛАЖОНЛАРГА ШОДЛИК УЛАШДИ

ҲАР ЙИЛИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ ТАЪТИЛЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ВА МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА МАКТАБЛАР ҚОШИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИБ КЕЛИНАДИ. АНА ШУ АНЪНАГА СОДИҚ ҚОЛГАН ҲОЛДА БУ ЙИЛ ҲАМ МАКТАБЛАР ҚОШИДАГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ.

Соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган тарбияланувчиларнинг ёзги таътил кунларини ҳам фойдали, ҳам мазмунли ўтказиш мақсадида турли спорт мусобақалари, кўча театр, кўча кино лойиҳалари амалга оширилмоқда ҳамда музейларга экскурсиялар уюштирилмоқда. Болаларнинг ёзги дам олиш таътиллари мароқли ўтказишга қаратилган ана шундай тадбирлардан бири Миробод туманидаги 328-мактаб қошидаги «Юлдузча» номли соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтди.

Қатнашчиларга бир олам қувонч улашган ушбу фестивал «Бахтли болалик» деб номланиб, Миробод туман ўқувчилар ижодиёти маркази томонидан ташкил этилди. Фестивалда тумандаги 158, 218 ва 328-мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳлари тарбияланувчилари ҳам иштирок этдилар. Тадбир қатнашчилари 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар:

1. Асфальтга расм чизиш (эркин мавзуда);
2. Спорт эстафетаси (спортнинг югуриш, арқонда сакраш ва стол тенниси турлари бўйича);
3. Бадий чиқиш («Бахтли болалик» мавзусида).

Фестиваль якунида голибларга тадбир хомийлари бўлмиш «Камолот» ЁИХ Миробод туман бўлими Кенгаши ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Миробод туман бўлими Кенгаши томонидан эсдалик совгалари топширилди.

Голибларни қутлаш ва байрамга ҳиссаларини қўйиш учун келган Миробод туман ўқувчилар ижодиёти марказининг «Гулбаҳор» ракс студияси аъзолари ўзларининг дилрабо рақсларини ижро этиб йиғилганларни хушнуд этдилар.

Фестиваль тадбир иштирокчилари бўлмиш болажонларга олам-олам қувонч ҳада этди ҳамда уларнинг бўш вақтининг самарали ўтишига хизмат қилди.

Мастураҳон ТОШПЎЛТОВА

Таълим

МАГИСТРЛАРГА ЙЎЛЛАНМАЛАР

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИНИ САККИЗ ЙЎНАЛИШДА 130 НАФАР МАГИСТРЛАР БИТИРДИ.

Уларга олий ўқув юртида эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишлаш учун йўлланмалар берилди.

Ақсарият ёшлар «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси, республика сифат маркази, «Туриш-Текстиль» фирмаси каби корхоналарда ўз меҳнат фаолиятларини бошлади.

«Матбаа ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари» мутахассислигини эгаллаганлар эса наشريёт босмахоналарида меҳнат қиладилар.

Институтда «Диссинатор» мутахассислиги бўйича илк бор тайёрланган магистрлардан уч нафари олий ўқув юртида ўз меҳнат фаолиятини давом эттирадилар.

ИЛМИЙ МАРКАЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА КЎПЛАБ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШМОҚДА. БУНДАЙ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАРНИНГ АҚСАРИЯТИ ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИНИ БИТИРГАН КАСБ ЭГАЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ.


Республикамизда тўнғич олий ўқув юртидан бири саналган бу институт ўзининг 70 йиллик санасини нишонламоқда. 1937 йилнинг ёзида Тошкент Давлат тиббиёт институтининг қатор кафедралари негизида юзага келган мазкур олий ўқув юрти бугунги кунда фармацевтик кадрларнинг йирик марказига айланган.

Бу ерда биотехнологик, агроэкологик, сананоат фармацевтика, фармацевтика касб-таълими ихтисосликлари илмий марказлари ҳам ишлаб турибди. Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази ҳам бор.

Институт жамоаси янги олий фармацевтика таълими йўриқномасини яратишда бош-қош бўлди. Олимлар муаллифлигида соҳага оид кўпгина дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрланди. Қатор электрон ўқув адабиётлари чоп этилди. «Фармакогнозия» дарслиги эса энг яхши ўқув адабиёти деб баҳоланди.

Олий ўқув юртининг республикамиздаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорлиги ҳам яхши самаралар бермоқда. Институтнинг 70 йиллик фаолиятига бағишлаб янги илмий тўплам босмага тайёрланди.

Юлдуз ШОМУРОВА



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

Инсонда шу қадар улкан ишқ, хирс, орзу ва дард бордирки, юз мингларча олам ўзиники бўлса ҳам, кўнгли тинчмайди.

Завқ ва орзулар зинапоёга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, аксинча, устидан босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун гофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли!

Майдонга келган нохушлиғи касалликларнинг барчаси қачонлардир қилган ёмонликларинг ва гуноҳларинг мевасидир.

Баъзан қилган яхшилигинг ёки ёмонлигинг миқдоридан мўқобилини ололмайсан. Бироқ, яхшилиқ ва ёмонликнинг жавоби мутлақо бўлажақдир.

Севилган киши гўзалдир.

Жўяли савол билимнинг яримидир.

Амал амал орқали, илм илм билан, маъно маъно воситасида, шакл эса шакл ёрдамида англашилади.

Амал инсондаги маънодир.

Хар нарсанинг асли — сўз.

Менга кўркувсиз бир умид ёхуд умидсиз бир кўркув кўрсаттин-чи? Улар бир-биридан айри эмас.

Инсон кўринишидан ҳеч нарса демаса ҳам, ичиди ҳаммиша гапирди.

Қуш қанотлари билан юксалади, мўмин ҳиммати билан.

Чучук сув ичиб юрган одамгина шўр сувнинг тузли эканлигини пайқайди.

Ёнғоқ ўйнаётган болага ёнғоқ мағзини ёки ёғини берсангиз, олмайди. Чунки бола ёнғоқдан чиқаётган овозга ишқибоз. Мағиз ва ёғ эса сас чиқармайди.

Маънога юзланишни инсон дастлаб унчалик севмайди. Бироқ вақт ўтган сайин ёқтира боради.

Дунёда қизганчиқ одамлар кўп. Улар баъзи кишиларнинг давлат ва роҳатга эришганларини кўролмайдилар. Бойликларидан, яшаётган жойларидан махрум қилмоқчи бўладилар.

Мақсад маънодир.

Сўз кўпайганда, мақсад унутилади.

Сенинг феъл-кўйинг таҳаммул билан яхшиланади.

Томда турган туяни кўрмаган одам: «Мен игна тешигига ип ўтказдим», демоқда.

Инсон вужуди кемасининг елкани — иймон. Елкан бўлса, шамол кемани муаззам бир ерга олиб боради.

Ошиққа ишқдан бошқа ҳамма нарса ҳаромдир.

Фам ва хафагарчилик заифликнинг васфидир.

Сиз ёқтирмаган бир қанча нарсалар борки, балки улар сиз учун хайрлидир.

Йўллар турли-туман бўлса ҳам, гоё бирдир.

Тушунча айбланмайди

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети қошидаги Иқтисодиёт гимназияси томонидан 2003 йилда Икрамова Наима Қобуловна номига берилган умумий ўрта маълумот ҳақидаги У №0022290 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги 296-умумтаълим мактаби томонидан 2006 йилда Эгамбердиева Соҳида Амонбоевна номига берилган У № 1259786 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 1-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1994 йил 20 июнда Худойбердиева Барно Хикматовна номига берилган А № 443713 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Футболимиз келажаги — 2007»

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҚАТНАШИШАДИ

Кейинги йилларда ёшларнинг жисмонан соғлом, бақувват ва ақлан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда яшайдиган болаларнинг саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб, спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш мақсадида 2000 йилдан бери аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Футболимиз келажаги» кўрик-танлови шулар жумласидандир.


Ушбу кўрик-танлов 9-10, 11-12, 13-14, 15-16 ёшли ўсмир-ёшлар ўртасида миллионлар уйини бўлган футболга меҳр-муҳаббатни янада ошириш, янги-янги иқтидорлар, Миржалол Қосимов каби моҳир тўпурақ спортчи ёшларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилмоқда. Кунги кеча буюқ саркарда, Соҳибқирон бобомиз Амир Темура хибониди ушбу кўрик-танловнинг пойтахт голиби ва совриндорларини тақдирлаш ва биринчи ўрин соҳибини ушбу турнирнинг республика босқичида қатнашиш учун Наманган шаҳрига кузатиш маросими бўлиб ўтди.

— Фарзандларимиз бизнинг келажагимиз, яхши ишларимизни давом эттирувчи издошларимиз, — дейишди биз билан суҳбатда «Янги Белтепа» маҳалласи оқсоқоли Турғунўлат Дадамирзаев ва «Белтепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Анвар Саидовлар. — Шунинг учун ҳам уларга бугунги кун талаби даражасида таълим-тарбия бериш, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш бизнинг энг асосий вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак. Шайхонтоҳур тумани ёш футболчиларининг биринчи ўринни қўлга киритишларида албатта худудимиздаги «Янги Белтепа» спорт комплексининг қурилиб фойдаланишга топширилгани муҳим ўрин тўтди. Ушбу спорт комплексида бугун «Янги Белтепа», «Белтепа», Ибн Сино, «Шодлик»

ва Ёқуб Зияев маҳаллалари болалари спортнинг футбол, баскетбол, кўла тўпи, кураш, гимнастика каби турлари билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Бугунги тадбирга йиғилган республика ва


соҳиби бўлган Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари маҳалла футбол жамоаларига катта тантана билан шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг қўлдан келтирилган кўб, медал ва вимпеллар, спорт кийимлари, футбол тўпларини топширдилар. Наманганга Республика саралаш босқичига йўл олаётган «Белтепа» жамоаси футболчиларига омадлар тиладилар.

— Голиб бўлиш учун астойдил меҳнат қилган эдик, — дейди «Янги Белтепа» спорт комплекси бош мураббийи, голиб жамоа устози Акмал Қорабоб. — Тинимсиз шуғулланиш ўзининг яхши натижасини кўрсатди. Болажонларимизнинг кайфиятлари аъло. Насиб этса Республикада ҳам нуфузли ўринни эгаллашга интиламиз. Спортчи ёшларимиз сафининг ортишини албатта уларга кўрсатилаётган катта эътиборнинг яхши натижалари деб биламан. Улар сафидан Ўзбекистонимизни жаҳонга танитадиган моҳир футболчилар етишиб чиқишини ниҳоят қиламиз.



— Маҳалламиз ёшлари учинчи ўринни эгаллаган бўлсаларда кайфиятлари аъло, — дейди Юнусобод туманидаги «Собиробод» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шохиста опа Шукурова. — Уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қил

шаҳар «Маҳалла» жамғармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, туманлар ҳокимлиги мўтаассиллари, маҳаллалар оқсоқоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари «Футболимиз келажаги» кўрик-танловида шаҳарда биринчи ўринни қўлга киритган Шайхонтоҳур, иккинчи ўринни забт этган Сергели ва учинчи ўрин



моқдамиз. Чунончи улар 259-мактабда тўртинчи турли йўналишлари бўйича тўғарларга қатнашиб шаҳар ва туман миқёсидаги мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқдалар. Мақсадимиз фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашдир. Бир хил спорт кийимларини кийиботуқларидан қувониб фахр билан турган болажонлар юрт эртаси, келажақ пойдеворидир. Уларнинг маънан, ақлан ва жисмонан аркамол бўлиб вояга етишларига барчамиз саясатимиз.

Феруз ИСЛМОВ, Шоира МУҲАМҚОВА СУРАТЛАРДА: «Футболимиз келажаги» кўрик-танловининг 11-12 ёшлар ўртасидаги шаҳар босқичи голибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар Рашид Галиев олган суратлар

Юнон-рум кураши

УКРАИНАДАН КУМУШ НИШОН БИЛАН

УКРАИНАНИНГ МАРИУПОЛ ШАҲРИДА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ТЎРТИНЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИР ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОСИ ШЕРАЛИ ШОДМОНОВГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Мутахассислар томонидан кичик жаҳон чемпионати деб эътироф этилган ушбу турнирда жаҳоннинг 19 давлатидан келган 180 нафар спортчи голиблик учун кескин кураш олиб борди. Рустам Қудратов бош мураббийлигида ушбу мусобақада иштирок этган етти нафар ўзбекистонлик полвонлар орасида 56 килограммликлар зинада мезбонлар вакили Юрий Ковал билан финалда беллашган Шерали Шодмонов рақибига имкониятни бой бериб кўйди ва кумуш медаль соҳиби бўлди.

ЖАНАБИЙ КОРЕЯДА ТРИАТЛОН БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР, ЁШЛАР ВА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҲАМЖОРАТЛАРИМИЗ КУМУШ ВА БРОНЗА МЕДАЛЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ.

Триатлон

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ КЎПАЙДИ

Осиёнинг 14 давлатидан 165 нафар спортчи иштирок этган нуфузли турнир муҳлисларида илиқ таассурот қолдирди.

19-23 ёшлилар орасида ҳамюртимиз Артем Михеев маррани иккинчи бўлиб кесиб ўтди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Катталар ўртасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Иван Морозовга мусобақанинг бронза медалли насиб этди.

1,5 километр масофага сузиш, 10 километрга велосипед пойга-

си ҳамда 10 километрга югуриш шартларидан иборат ушбу спорт тури спортчидан катта куч, ирода ва маҳорат талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас. Дарвоқе, Морозов бу масофаларни бир соат 53 дақиқа 19 сонияда босиб ўтиб 422 рейтинг очкосини тўплашга муваффақ бўлди. Ўтган йилги мусобақада 1 соат 58 дақиқа вақт сарфлаган Морозов учун бу яхши натижа эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ахбор АЛИМАРДОНОВ

ЎЗБЕК КУРАШИ ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

ЖАЗОИР ДАВЛАТИДА БЎЛИБ ЎТГАН УМУМАФРИКА ЎЙИНЛАРИ КУРАШ ТАРИХИГА ЯНА БИР ЁРҚИН САҲИФА ОЛИБ КИРДИ.

Хар тўрт йилда ўтказиладиган Умуафрика ўйинлари қитъада кичик олимпиада ўйинлари ҳисобланиб, унда курашимизнинг тақдимот маросими ҳам ўтказилди.

Уч ярим минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек кураши мустақиллик ва Президентимизнинг сайй-ҳаракати билан янги кўринишда ривожлана бошлади. Курашнинг тўқсонга яқин мамлакатларда ўз федерацияларига эга бўлиши, барча қитъаларда халқаро чемпионатлар ўтказиб турилиши, минтақавий олимпиада кўмиталари томонидан тан олинмиш халқаро спорт оламида жадаллик билан ривожланаётганидан дарак бермоқда. Олимпиада Ассоциацияси президенти, КХА аъзоси ва Африка кураш конфедерацияси

Фахрий президенти Ласанно Паленфо Февосита кўлаб-қувватлаши тўғрисида ўтказилган тақдимот йиғинларидан катта қизиқиш уйғотди. Киркдан ортқ давлатнинг олимпиада кўмиталари вакиллари ва миғнаб томошабинлар тақдимот маросимини кузатдилар.

«Ла Курол» спорт мажмуасида бўлиб ўтган тақдимот маросими икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда Африка қитъасининг бир қатор давлатларидан келган полвонлар кураш қондалари, техникаси ва тактикаси билан таништирилди. Сўнгра кураш, унинг ватани Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи «Кураш» фильми катта экранда намойиш этилди. Тақдимот дои-

расида Ласанно Паленфо Африка қитъасида курашнинг ривожига ва келгуси Африка ўйинлари дастурига курашнинг киритишдаги сайй-ҳаракатлари учун Кураш Халқаро Ассоциациясининг олтин ордени билан тақдирланди. Тақдирлаш маросимида КХА президенти Комил Юсупов бошчилигидаги Ижроия қўмита аъзоларидан иборат делегация қатнашди.

Шундай қилиб, кураш Осиё, Пан Америка қитъалари ортидан яна бир қитъа Африка қитъасидаги Олимпиада кўмиталари томонидан ҳам тан олинди ва ривожланиш тизимига эга бўлди.

Рустам Хайдаров, «Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 21 август кун соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциациясининг биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 26 февралдаги 10-0720/2074-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор Д20-мавзеси 46-ўйда жойлашган «Фонон-1» Тошкент заргарлик заводига қарашли кўйидаги кўчмас мулкни ва шу манзилда сақланаётган автотранспорт воситаларини кўймоқда.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор Д20-мавзеси 46-ўй манзилдаги устaxonа биноси (блок-Н, 2-қават, 226 кв.м.); маъмурий бино (2-қават, 374 кв.м.); 1 қаватли бино ертўлиси билан (блок-М, 364 кв.м.); 2 қаватли бино (блок-Л, 138 кв.м.). Бошланғич баҳоси -39 560 000 сўм.

1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ560 бўлган УАЗ-3960-02 русумли автотранспорт воситалари. Бошланғич баҳоси — 750 000 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А У561 бўлган ПАЗ-3205 русумли автотранспорт воситалари. Бошланғич баҳоси — 4 027 000 сўм.

1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А У562 бўлган ЗИЛ-157Н русумли автотранспорт воситалари. Бошланғич баҳоси - 900 000 сўм.

1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А У563 бўлган КАЗ-608 русумли автотранспорт воситалари. Бошланғич баҳоси - 780 000 сўм.

1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ438 бўлган ЗИЛ ММЗ-45021 русумли автотранспорт воситалари. Бошланғич баҳоси - 1 911 000 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ439 бўлган ИЖ-2715 русумли автотранспорт воситалари. Бошланғич баҳоси - 540 000 сўм.

1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А Т807 бўлган ВАЗ-2107 русумли автотранспорт воситалари. Бошланғич баҳоси - 700 000 сўм.

1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 С384 бўлган КАЗ-9368 русумли ярим-тиркама. Бошланғич баҳоси - 600 000 сўм. Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мўлқ номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минчи банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-ўй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия ДВ001-000010.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй, 2-қават, 208-хона.

«ASILBEK-TURON» масъулияти чекланган жамити тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлб, 1 ойгача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Муртазов кўчаси, 2-ўй.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамд тадбиркорлар диққати!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика йнги-шининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг текшириши янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органи қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г - 606

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни ёқлаб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмоқдаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4-ўй.

Топширилган вақти: 12:4